

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алина Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Рахбархон Муртазаева OLIY TA'LIMNI GUMANIZATSIYA VA GUMANITARIZATSIYALASH: "OLTIN O'RTALIQ"NI IZLASH.....	4
2. Oygul Alshykenova QOZOG'ISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMNINING SHAKLLANISH VA RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI: TARIX VA FAKTLAR.....	11
3. Aziza Aminova QUYI ZARAFSHON VOHASI IQTISODIY TARAQQIYOTINING O'RGANISH XUSUSIYATLARI.....	18
4. Бехзод Исабеков ТУНКАТ-ИМЛОҚ КЎХНА ШАХАР ХАРОБАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	25
5. Jasurbek Karimjonov MUSTAQIL O'ZBEKISTONDA YOSHLARNI MUKOFOTLASH TIZIMINING SHAKLLANISHI.....	30
6. Қодиржон Нажмиддинов НАМАНГАН ШАХРИДАГИ ВИЛОЯТ ШИФОХОНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	35
7. Нихола Нарзуллаева МУЛЛО САЙИД АХРОР МАҲДУМНИНГ ЎЛЧОВГА ОИД РИСОЛАСИ.....	41
8. Умирилло Ортиқов ЕТТИСУВ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ТУРМУШИ.....	45
9. Jurabek Polvonov МАНАЛЛИЙ ТАРИХЧИЛАР АСАРЛАРИ ВА КУНДАЛИКЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИДА НАРБИЙ БОШҚАРУВ ВА МУДОФАА ТИЗИМИ.....	51
10. Abdilatip Sarimsokov FARG'ONA VODIYSI O'ZBEKLARINING KUZ FASLIDA O'TKAZILGAN TAQVIMIY URF-ODAT VA MAROSIMLARI.....	59
11. Mahfuzaxon Shamsiyeva MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN O'ZARO HAMKORLIKNING YANGI BOSQICHI.....	65
12. Saida Hakimova RUS TADQIQOTCHILARI TOMONIDAN OROL DENGIZINING O'RGANILISHI (L.BERG EKSPEDITSIYASI MISOLIDA).....	70



Қодиржон Нажмиддинов,
Наманган Давлат университети
таянч докторанти,
najmiddinovqodirjon13@gmail.com

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ ВИЛОЯТ ШИФОХОНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Qodirjon Najmiddinov. HISTORY OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE PROVINCIAL HOSPITAL IN THE CITY OF NAMANGAN. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 11, pp.35-40

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10157293>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Наманган шаҳрида жойлашган вилоят шифохонасининг шаклланиши ва ривожланиб бориши, Совет ҳукуматининг 1917-1967-йилларда юритган соғлиқни сақлаш сиёсати ушбу шифохона фаолияти асосида ўрганиб чиқилган. Бу мавзунинг ўрганиш асосида даврга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилинган. Ўзбекистон ССРда аҳоли саломатлиги ва тиббий хизмат соҳасидаги ижобий ўзгаришлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳам архив маълумотлари асосида тадқиқ этилган.

Наманган вилоят марказий шифохонаси ташкил этилиши, унда фаолият юритган кадрлар ва уларнинг моддий таъминлаш даражаси, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва лабораториялар билан жиҳозлаш масаласи каби ишлар ёритилган.

Шунингдек, Наманганда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар ҳамда муаммолар, мутахассислар тайёрлаш каби масалаларда совет ҳукумати юритган сиёсатга алоҳида эътибор берилган.

Калит сўзлар: тиф, травматология, анестезиология, хирургия, отоларинголог, окулист, персонал, ЭКГ, фелдшер, терапевтик.

Қадиржон Наджмиддинов,
Базовый докторант Наманганского
государственного университета,
najmiddinovqodirjon13@gmail.com

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ОБЛАСТНОЙ БОЛЬНИЦЫ В ГОРОДЕ НАМАНГАН

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается становление и развитие областной больницы, расположенной в городе Намангане, политика советского правительства в области здравоохранения в 1917-1967 годах, основанная на деятельности этой больницы. На основе

изучения данной темы предпринята попытка объективной оценки периода. На основе архивных данных исследованы положительные изменения в сфере здравоохранения и медицинского обслуживания в Узбекской ССР, а также недостатки.

Освещены такие вопросы, как создание центральной больницы Наманганской области, работающий в ней персонал и уровень его финансового обеспечения, вопрос оснащения его современным медицинским оборудованием и лабораториями.

Кроме того, особое внимание уделялось политике советского правительства в таких вопросах, как оказание медицинских услуг и системы здравоохранения населению Намангана, таких вопросах, как подготовка специалистов.

Ключевые слова: тиф, травматология, анестезиология, хирургия, отоларинголог, врач-офтальмолог, персонал, ЭКГ, фельдшер, терапевт.

Qodirjon Najmiddinov,
Basic doctoral student of
Namangan state university,
najmiddinovqodirjon13@gmail.com

HISTORY OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE PROVINCIAL HOSPITAL IN THE CITY OF NAMANGAN

ABSTRACT

The article examines the formation and development of the regional hospital located in the city of Namangan, the health policy of the Soviet government in 1917-1967 based on the activities of this hospital. Based on the study of this topic, an objective evaluation of the period has been attempted. Positive changes in the field of public health and medical services in the Uzbek SSR, as well as shortcomings, have been researched on the basis of archival data.

The establishment of the central hospital of Namangan region, the personnel working in it and the level of their financial support, the issue of equipping it with modern medical equipment and laboratories are highlighted.

In addition, special attention was paid to the policy of the Soviet government in issues such as the provision of medical services and health care system to the population of Namangan, issues such as training of specialists.

Index Terms: typhus, traumatology, anesthesiology, surgery, otolaryngologist, ophthalmologist, staff, EKG, paramedic, therapist.

1.Долзарблиги:

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар даврида, келгуси режаларни амалга ошириш жараёнида ўтмишда содир бўлган воқеаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг тиббий ҳолати ва аҳоли саломатлигига яқин ўтмишда, айниқса, совет ҳукумати даврида қай даражада эътибор қаратилганлиги ўша давр ижтимоий-иқтисодий тузумини, маънавий қиёфасини кўрсатиб берувчи асосий меъзонлардан биридир.

Ўзбекистонда, шу жумладан, Наманган вилоятида совет ҳукумати даврида қай даражада тиббиёт соҳасининг ривожига эътибор берилганлиги, шифохоналар қурилиши ва кадрлар масаласига бўлган муносабат мақолада ёритиб берилган.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, илмийлик, қиёсий таҳлил, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

Ушбу мавзу 1941-1991 йилларда Фарғона водийсида соғлиқни сақлаш тизими бўйича илмий ишлар олиб борган Г.Мўминова, Ш.Абдурахимова, Э.Тожимирзаев каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида келтирилган. Мақолани ёзишда Республика архив материалларидан ҳам фойдаланилди.

3.Тадқиқот натижалари:

1914 йилда Наманган шаҳрининг 40 минг аҳолисига мўлжалланган бутун соғлиқни сақлаш тармоғида амбулаторияга эга 30 ўринли битта шаҳар касалхонаси, у билан бирга 10 ўринли маҳаллий аёллар ва болалар касалхонаси ҳам мавжуд эди. Касалхонада 1 нафар шифокор, 4 нафар шифокор ёрдамчиси ва 1 нафар дори тайёрловчи ишлаган. Касалхонада дори-дармонлар, юмшоқ ва қаттиқ жихозлар, ёқилғи йўқлиги шифохонанинг ҳолатини мураккаблаштирарди. Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари шаҳардаги тиббиёт муассаларининг тўғри ишлашига тўсқинлик қилишига қарамай, 1917 йилга келиб шаҳар касалхонаси 30 нафар эркаклар ва 10 нафар аёллар ётоқларига кенгайтирилди, бу ерда 3 нафар шифокор ишлаган[1].

Шифокорлар амбулаторияга қабулларни ўтказган. Лекин, аҳолининг мурожаати паст эди. Тиббиёт муассалари тармоғининг аҳамиятсизлиги, шаҳарда тиббиёт ходимларининг камлиги ва уларнинг қишлоқ жойларда йўқлиги, соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағларнинг жуда камлиги, аҳолининг, айниқса қишлоқларда асосан, табибларга, муллаларга ва эмчиларга мурожаат қилишига сабаб бўлди. Россияда фуқаролар уруши даврида барча тиббиёт муассаларининг фаолияти эпидемияларга қарши курашишга қаратилган эди. 1918-1920 йилларда Россияда юз берган фуқаролар уруши мамлакатни иқтисодий инқирозга дучор этди, очлик, вабо ва эпидемиялар барча ҳудудларни қамраб олган эди. Фарғона водийсида 1918-1923 йилларда 1 млн. одам очликдан ўлади[2]. Юқумли касалликлар авж олган шаҳар аҳолисининг бундай аҳволини 1919 йилда кўрган, Наманган шаҳридаги уезд шаҳар бўлимига маъсул бўлган Грачев ревком оператив штаб инқилобий кўмитасининг 2-қўшма мажлисида тиф касалига чалинганлар учун қишлоқ касалхонасини қуриш масаласи кўтарди. Ўша пайтда мавжуд бўлган 14 ўринли юқумли касалликлар бўлими жуда кам эди, чунки 14 бемор ўрнига 27 нафаргача бемор ётқизилган. Шифокор Ложкин ўша пайтда касалхонага раҳбарлик қилган ва 1919 йилдаёқ эркаклар касалхонаси 50 ўринга кенгайтирилган.

1926 йилга келиб, шаҳар касалхонаси 50 ўринга эга бўлиб, у ерда 5 туғруқ ва кўшимча 5 та юқумли касалларга ётоқ ажратилган. Лекин 50 ўрин етарли эмас эди. Шифохона фақат яқин туманлардан келган беморларга хизмат кўрсатади ва 1927 йил 13 апрелда Наманган шаҳар кенгаши мажлисида шаҳар касалхонасини 100 ўринга кенгайтириш масаласи кўтарилди. Бундан ташқари, шаҳар шифохонаси қошида юқумли касалликлар бўлимини қуриш масаласи кўтарилди[3]. Йилдан-йилга, секин бўлсада, лекин ўринлар сони аста секин ўсиб бораётганига қарамай, шифохонада алоҳида малакали ёрдам кўрсатилмаган, рентген хизмати, клиник ва биокимёвий лабораториялар каби ёрдамчи бўлимлар, стоматология хоналари йўқ эди. Касалхона аҳолига асосан тиббий ёрдам кўрсатди, бундан бошқа тиббий хизматлар чекланган эди. Касалхона ва ҳудуднинг санитар ҳолатига эътибор берилмаган. Аҳоли пунктининг антисанитария ҳолати, коммунал хўжалигининг чекланганлиги, санитария хизматининг йўқлиги юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Шунинг учун 1929 йилда 75 минг аҳолига фақатгина битта санитар шифокор бор эди[4].

1929 йилда шаҳар касалхонаси 75 ўринга кўпайди, шунга мос равишда тиббиёт ходимларининг сони ҳам кўпайди. Жумладан: жарроҳлик – 30, терапевтик ётоқлар – 25, оналик – 15, юқумли касаллар учун эса ётоқлар – 7 тага кўпайди. Бу пайтда энди 4 нафар шифокор, 4 доя ва 3 ҳамшира ишлаган. Лекин, шаҳарнинг 75 минг аҳолиси учун, шунингдек, яқин атрофдаги қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш учун бу ўринлар сони етарли эмас ва аҳолини касалхона ётоқлари билан таъминлаш жуда паст даражада эди, яъни ҳар минг аҳолига битта тўшак тўғри келарди[5].

Айтиш жоизки, ўша пайтда бирорта ҳам ўзбек мутахассис шифокори йўқ эди, лекин улар орасида фелдшерлар бор эди. Ўша йилларда шифокорлар томонидан ҳудудлардаги беморларга ҳеч қандай хизмат кўрсатилмаган, фелдшерлар уйда беморларга хизмат кўрсатган.

1931 йилда шаҳар шифохонаси аллақачон 190 ўринга эга эди ва шуни таъкидлаш керакки, шу йилдан бошлаб ихтисослаштирилган ётоқлар ажратила бошланди. Терепевтика

бўлими 65 ўринга, жарроҳлик бўлими 60 ўринга, юқумли касалликлар бўлими 20 ўринга, гинекология бўлими 15 ўринга, кулоқ ва кўз бўлими 5 ўринга кенгайтирилади. Ўринлар сони қўшилган, аммо ходимлар деярли бир хил бўлиб қолмоқда: 4 нафар шифокор, тиббиёт ходимлари штатлари 1929 йилга нисбатан 6 кишига кўпайтирилган. Ўша пайтда шифохона бюджети 491885 рублни ташкил этарди[6].

1936 йилда жарроҳлик бўлимида қон қуйиш бўлими очилди. Касалхонада клиник лаборатория йўқ эди, шунинг учун донорлар ва беморлар таҳлиллар учун Қўқон шаҳрига боришар эди.

Дорихона ибтидоий (оддий, содда) бўлиб, уни ёрдамчи доя Смирнова бошқарган, у қайнатмалар, қадокланган кукунлар ва малҳамлар тайёрлаган.

Аҳоли кенг тарқалган сил ва таносил касалликлари билан касалланганлиги сабабли 1935 йилда шаҳар касалхонасида 20 ўринли болалар бўлими, 15 ўринли сил касали бўлими энг муҳими, ветеринария диспансер бўлими ишга туширилди. 1936 йилга келиб, шаҳар шифохонасида 28 нафар шифокор, жумладан, 4 нафар стоматолог ва 62 нафар ўрта тиббиёт ходими ишлаган. Универсал шифокорни умумий амалиёт шифокори, жарроҳ, окулист, гинеколог, педиатр ва бошқалар билан алмаштирилди[7].

1950-1955 йиллар давомида Тошкентда 2 та 100 ўринлик, Наманган шаҳрида эса 1 та 40 ўринлик туғруқхоналар қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, 1952-1958 йилларда даволаш муассасаларидаги жойлар сони 16009 тага ортган. Ҳар 10000 минг аҳолига 50-58 та жой тўғри келган бир вақтда, СССР миқёсида ушбу кўрсаткич ўрта ҳисобда 70 тани ташкил қилган[8].

XX аср 50 йилларининг охирларида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тизимида 1954 нафар терапевт, 1244 нафар педиатр, 639 нафар жарроҳ, 609 нафар акушер-гинеколог, 433 нафар фтизиатр, 341 нафар дерматолог-венеролог, 234 нафар окулист, 274 нафар юқумли касалликлар шифокорлари фаолият юритган. 1954 йилда Ўзбекистон ССРда жами 7094 нафар тиббиёт ходимлари фаолият юритган бўлиб, улардан 5962 нафари, яъни 84 фоизи шаҳарлар, 1132 нафари, яъни 16 фоизи қишлоқ ҳудудларига тўғри келган. Аммо, ушбу кўрсаткичлар, яъни қишлоқ ҳудудларининг тиббиёт кадрлари билан таъминланиш даражаси жуда ҳам паст бўлган[9].

Иккинчи жаҳон уруши даврида жарроҳлик бўлими қуйидаги шифокорлар билан тўлдирилди: профессор И.И. Кисилев, жарроҳ К.С. Киселева, Алупер, К.Э.Плетнев Наманган вилояти ташкил этилгандан буён, яъни 1941 йилдан бери шаҳар касалхонаси негизида вилоят касалхонаси ташкил этилиб, унга 9 та туман: Поп, Чуст, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Задарё, Наманган, Тўрақўрғон, Чортоқ туманлари бириктирилган.

1947 йилда шифохона 279 ўринга кенгайтирилди, шундан 20 та терапевтик ётоқхона туғруқхона биносига жойлаштирилди. Амалга оширилган қурилиш чора-тадбирлари туфайли ўша пайтда шифохонада бўлимлар учун 5 та касалхона ва ёрдамчи маиший хизмат кўрсатиш учун 7 та бино ва турли идоралар мавжуд эди[10].

Шифокорларнинг яхши тўлдирилиши туфайли шифохона беморларга малакали ёрдам кўрсатди. Иккита рентген аппарати мавжуд эди, яхши жиҳозланган клиник лаборатория, биокимёвий лаборатория очилди, буларнинг барчаси касалликларни яхшироқ ташхислаш ва малакали даволанишга ёрдам беради. Лекин ишда камчиликлар ҳам бор эди. Аммо ётоқларнинг кенгайиши ва иш ҳажмининг ошишига қарамай, 1938 йилдан 1948 йилгача бўлган 10 йил давомида штат жадвалидаги ўзгаришлар унчалик катта эмас эди[11].

Шундай қилиб, 279 ўринга атиги 19 та тиббий лавозим мавжуд бўлиб, фақат 16 киши ишлаган. Аммо бу ётоқлар беморларни касалхонага ётқизиш учун етарли эмаслиги аниқ. Буни ҳисоботдан кўриш мумкин. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош шифокори А. Мирсаидов томонидан вилоят касалхонасида янги бинолар қуришни бошлаш ёки юқумли касалликлар бўлимларини олиб ташлаш зарурлигини ёзган, чунки оғир беморларни касалхонага ётқизиш учун коммунал хоналар тўлдирилмоқда. Қуйидаги жадвалда Наманган Марказий шифохонасидаги йиллар давомида ўринлар сонининг ошиб бориши кўрсатилган:

1-Расм.

Ҳозирги Наманган вилоят Марказий шифохонаси

Йиллар	1914	1919	1930	1940	1950	1961
Ўринлар	30	60	75	200	300	400

1961 йилда вилоят касалхонасидан инфекция, юқумли касалликлар бўлими чиқарилган ва бунинг эвазига 120 та ўрин бўшаган. Бунинг натижасида неврология, кулоқ, томоқ, бурун бўлимларини кенгайтириш имкони яратилган. Травматология бўлими эса алоҳида бинога ўтказилган.

1959 йилда касалхона ҳудудида кунлик ўтказиш имконияти 100-110 кишига эга консултатив (маслаҳат) поликлиника қуриб битказилган.

1960 йилда қуйидаги ихтисосликларга ажратилган 110 ўринли жарроҳлик биноси қуриб битказилган [12].

1930 йилдан 1965 йилга қадар шифокорлар сонини таққослаганда 10 мартага, ўрта тиббиёт ходимлари сони эса 12 марта ошган. Шифокорлар умумий сони 51 кишига, ўрта тиббиёт ходимлари сони 151 тага, кичик персоналлар (ҳодимлар) сони эса 136 кишига етган. Шифохонада бу даврда биокимёвий лабораторияда сийдик таркибидаги кристал моддани, қондаги холестеринни аниқлаш каби мураккаб биохимия таҳлилларини амалга оширилган. Консултатив поликлиникада рентген аппаратдан ташқари 1966 йилда флюорография аппарати ўрнатилган. Унинг ёрдамида кўкрак қасаси касалликларини олдини олиш бўйича изланишлар ўтказилган. Шунингдек, рентгенология кабинетига ўсма касаллиги ва бошқа касалликлар рентген терапияси амалга оширилади. Лекин, биокимёвий лабораторияда зарурий жиҳозлар ва идишлар етишмаган. 1962-1966 йилларда 50 % шифокорлар аттестациядан ўтишган. Улардан 5 нафари олий, 18 нафари биринчи, қолганлар эса иккинчи тоифа олишган. Ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ҳар ойда 2 марта ҳамширалик конференцияси ўтказилади.

Буларда ҳамширалар лаборант бўйича, ЭКГ, жарроҳлик ва бошқа шу каби яқин мутахассисликларни эгаллайдилар. 1965-1966 йилларда 50 % ҳамширалар мутахассисликларига яқин бошқа мутахассисликларни эгаллайди. Ҳар йили шаҳар ва туманлардан келиб вилоят шифохонасида тайёрланган шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари сони ошиб борган. Қуйидаги жадвалда булар кўрсатилган:

2-Расм.

Йиллар	Шифокорлар	Ўрта тиббиёт ходимлари
1962	12	66
1963	11	65
1964	14	32
1965	19	72
1966	28	78

Шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини оширишда вилоят шифохонаси шифокорлари ўзларининг илмий-амалий конференциялари билан катта ёрдам кўрсатган. 1964 йилда улар томонидан 7 та, 1965 йилда 12 та, 1966 йилда 16 та илмий-амалий конференциялар ўтказилди [13].

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Наманган вилоят Марказий шифохонасининг шаклланиши ва ривожланиши Совет ҳукумати юритган оғир ижтимоий-сиёсий даврга тўғри келган. Россияда фуқаролар уруши, ундан кейин Иккинчи жаҳон урушининг мамлакат хўжалигига кўрсатган таъсири туфайли бутум мамлакатни очлик, эпидемиялар, касалликлар қамраб олган. Бу эса ҳудудларда аҳоли соғлигига сарфланадиган маблағларни камайишига, мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатган. Шифохоналарда касаллар учун жойлар етишмаган, замонавий тиббиёт жиҳозлар билан етарлича таъминламаган. Айниқса, шифохона ва унинг моддий-техник базаси етарли эмаслиги эпидемиялар ва касалликлар

авж олиб кетган пайтда якқол кўриниб қолган. Шифохонада жойлар етишмас, навбатлар кўп, операция қилинган беморга ўша куниёқ уйига жавоб беришлар кузатилган. Дастлабки даврда шифокор ва ҳамшираларнинг малакасизлиги сабабидан жуда кўплаб шикоят ва аризалар келиб тушган. Нотўғри ташхис ва даволашлардан кўплаб ўлимлар қайд этилган. Лекин, Наманган вилоят марказий шифохонаси ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, беморларга ёрдам беришга ва касалликларга қарши курашга бор кучини сарфлаган. Бунда, рус миллатига мансуб шифокорлар билан биргаликда маҳаллий ўзбек тиббиёт ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатганлар.

Иктибослар/ Сноски/ References:

1. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 1-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 1)
2. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 2-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 2)
3. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 3-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 3)
4. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 4-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 4)
5. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 5-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 5)
6. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 6-7-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 6-7)
7. ЎзМА, Р- 2555-фонд, 1-рўйхат, 315-йиғмажилд, 15-варақ (UzNA, fund R- 2555, list 1, collection 315, sheet 15)
8. Советский Узбекистан за 40 лет. Ст.сб. –Т.:1964. –С.337 (Sovetsky Uzbekistan 40 let. St. sb. - Т.: 1964. – P.337)
9. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 8-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 8)
10. Народное хозяйство СССР в 1967 г. ... – С. 844 (National economy in USSR in 1967. ... – P. 844)
11. Ўз ИТТХМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 4089-йиғмажилд, 1-варақ (UzITTHMA, fund 1, list 1, collection 4089, sheet 1)
12. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 10-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 10)
13. Наманган вилояти давлат архиви, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғмажилд, 13-варақ (State archive of Namangan region, fund 796, list 1, collection 49, sheet 13)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 11

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000